

Саное нафиса деган сўзни онглагувчилар бизнинг орамизда ҳам кўпайиб қолди. Илгари оддий бир томоша (театр)ни ҳам тушунмаган, драм билан кулгуни ажрата олмагон халқ ҳозир саное нафисанинг худди ўзига ҳам тушуниб келадир. Ишнинг ўзи ҳам шундоғ бўлмоғи керак эди; чунки меҳнатқаш, қўли кабаргонлар ҳокимияти бўлгон шўролар тартибининг юзага чиқишига бугун 3 йил бўладир.

3 йилдирки, эзилганлар эзганлар устида, маҳкумлар ҳокимлар тепасида ҳукумат сўралар.

3 йилдирки, ишчи ва дехқонлар ер юзининг хийла зўр бир бўлимида ўз эгалликларини қуруб, ўзини бўғмоқ учун келган ёвлар билан дам олмасдан ёқалашалар.

Қонлар тўқула, жонлар кета, ўлимлар қайнайдир.

Бу ҳолда гўё ҳеч бир оғиз ёйиб қулишлиқ мумкин эмас қабидир.

Гўё ҳар нарса ёлғиз мотам, ёлғиз қон, ёлғиз ақчиг ва қазабдан иборатдир.

Бу ҳолларни биз тарихда ўқугон бўлсак, ўйлар эдикким, ул даврда қаҳру қазабдан бошқа нарса бўлмагандир. Ўюн-қулғи деган нарсани қишилар унутқонлардир, деб...

Лоқин бу ўзғариш, бу 3 йилдан бери бўлиб келаётқон талаш, қураш бир тарафда бўлиб ётадир. Қонлар тўқилиб, жонлар бериладир.

Бирок иққинчи тарафда қулалар, ўйнайлар, шодланалар. Қўнғил очалар, ҳам шундай бир ўйин-қулғиким, тарих муниг сингарисини сира қўргани йўқ.

Неча минг йиллардан бери бўлуб келган эски дунёни огдармок, янги дунё тузиб, они тамом бошка бир рангга бўямок иши тобширилгон ўзгаришчилар турмушнинг хар бир жузъида, хар бир бўлагида харакат килалар. Турмушнинг хар ёгин, хар тарафини ўзгарталар.

Шул ўзгаришлар ичига ўйин-кулги хам кируб коладир.

Илгари хам ўйнаб кулганлар. Бирок бу кундагидан бошкачарок бир йўлда. Саное нафиса эски замонда бойлар, подшоҳлар салтанати замонида хам бор эди. Бор эдигина эмас, жуда юксалган, авжига чиккон эди.

Якин замонлардагина тугилгон саное нафисани буржуазия хаёлчилари жуда нозиклашдирганлар, хаёлийлашдирганлар эди.

Бутун умрини ишламай бекор ўтказатургон бойлар, бойбаччалар, тўра болалари, хон, хонзодалар бекорчиликдан зерикмас учун саное нафисага берилалар; чолгу чалалар, ўйинга тушалар, севги шеърлари тўкийлар, ўкийлар эди. Буларнинг устига, катта шахарларда бир эмас, 5—6 бизнинг «Колезей»дай театрлари бўлар, шуларда пул билан, олтун билан санъатни сотуб олуб (яхширок тушунингиз: санъатни сотиб олуб!) завкланурлар эди.

Кискаси саное нафиса эски дунёда бир кисм халкнинг завки, айш ва ишрати учун ишлайтургон бир нарса эди.

Унга юрагида, кўнглида бир севги, бир интилув сезиб, берилган канча паст синф, тубан кисм, эл болалари ўша бой ва бойбаччаларни завкландириш йўлида вақтсиз жон бердилар. Курбон бўлдилар, жинни бўлгон чолгичилар, варам (сил касали)нинг аччиг панжасига тушган мумассил артист ва мумассила артисткалар саногсиздир.

Энди бу ёкга, янги дунёга, меҳнаткаш ва эзилганлар оламига кўз солсак, ўша саное нафиса, ингичка хунарни тагин кўрамиз. Бирок мунда кўбгина бошкалик бор.

Театр-томошалар бор, локин улар илгаригидай биргина бой болалари, бойлар ва тўразодаларнинг кайфи, лаззати учун эмас, бутун эл, бутун халк, ҳамма ишдан бўшагоч кўнгил очмокчи бўлгонлар учундир.

Сахна бу дунёда юкори синфларнинг тумтарокли турмушларини кўрсатмайди эмас, кўрсатади, бироқ шул турмушнинг аччиг ва жиркантиратургон хидини томошачиларга хидлатмак учун кўрсатади. Чолгининг киллари яна боёгидай чертилиб турур, бироқ бойлар кайфи учун ўйнагонига йиглаб эмас, чарчагон халкнинг кўнглини очкони учун севиниб, эзилган халкка эзилув даврларини эслатмак учун йиглаб чертилуру. Шеър ҳам, ашула, кўшиклар ҳам ёзилурлар. Бироқ бойларни, уларнинг хаёлий саройларини мактаб эмас, очик, тортинувсиз равишда кўнглидагини айтмак, элнинг ўз турмушини ўзига ингичка килиб кўрсатмок учун ёзилур.

Мехнаткашлар саное нафисаси кенгдир, мунда буржуазия таклидчилиги йўқдир; унда ўзидан чикарув, ўзидан сочув бордир. Унинг йўли кенгдир.

Саное нафиса бу дунё ва шахар учунгина эмас, мана шу ер, шўролар идорасининг энг улуг хосиятидир. Саное нафиса ўзини тугдирувда кўб рўл ўйнайтургон кишлок ва кишлок мехнатчилари учун кўб ишлагусидир. Бироқ бу кунгача тегишинча бўла олмагон экан, бунга 3 йиллик турмушнинг талашув, курашув ва гавголар ичида ўтуви сабабчидир.

Хозир бир Туркистонда, Туркистоннинг Тошканд шахридаги ишларни кўз олдига келтирганда ҳам, Шўроларнинг саное нафисага кандай зўр ахамият билан карагонликларини кўрмак мумкиндир. Тузуккина бир труппаси бўлмагон эски Тошканд букун яхши бир яхшигина икки труппага моликдир. Расмий бир тотор труппа украинали, ёхудий, озарбайжонлилар ҳам бирар юварак, бирар тўн бўлиндиларлар. Мундан сўнг тагинда яхшилантирмок учун хозиргача баъзи жойларда театр ишларининг бошига чикиб кўб ишларга каршилик ва зарар килиб тургон эски дунё «йўгонлари» билан кураш борадир; шуларнинг натижаси Туркистонда саное нафисани ҳам энг юкори даражага кўтаргусидир. Шўролар ҳукумати, ишчилар эгалиги — саное нафисанинги энг суюкли, мухтарам бобосидир. Ул бобонинг тарбияси саное нафисани осмонларга чикаргусидир, бироқ жабр йўли билан эмас, ишк берилув ва севги йўли биландир.

Шўролар саное нафиса ила Шаркни кул эмас, хур кплгусидир.

Шарк саное нафисаси келгусида Гарбники билан бир бўлгон холда ўзининг ишчи болаларининг кўнгилларини очуб, рухларини юксалтиргусидир.

Шўролар ҳукумати ва санои нафиса. — Макола «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 7 ноябрь сонида эълон килинган.

Санои нафиса — нафис санъатлар, санъат.

«*Колизей*» — Тошкентда инкилобдан илгари қурилгаи рус театри биноси, кейинрок Свердлов номли концерт зали.